

**ГИДРОМЕТРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖАМУРАТОВА РОЗА ТАЖИМУРАТОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ
ГИДРОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА МЕЛИОРАЦИЯ ТАЪСИРИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**География фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
географических наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of geographical sciences (DSc)**

Хожамуратова Роза Тажимуратовна Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорация таъсирини комплекс баҳолаш ва уни қисқартириш йўллари.....	3
Хожамуратова Роза Тажимуратовна Комплексная оценка влияния мелиорации на гидроэкологическое состояние водных ресурсов Республики Каракалпакстан и пути его уменьшения.....	29
Hojamuratova Roza Tajimuratovna Comprehensive assessment of the impact of land reclamation on the hydroecological state of the water resources of the Republic of Karakalpakstan and ways to reduce them.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ГИДРОМЕТРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖАМУРАТОВА РОЗА ТАЖИМУРАТОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ
ГИДРОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА МЕЛИОРАЦИЯ ТАЪСИРИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (PhD) диссертацияси билан Самарқанд Республикаси Вазирлар Маъжлибига таълим ва фан вазирлиги раёсатининг 00017.Д.01%/Гр17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети билан боғлиқ.
Диссертация автореферати ушбу тилда (рус, ўзбек, инглиз тиллари) Намий кенгаш веб-сайтида (www.namiy.uz) ва eLibrary.uz сайтида эълон қилинган (www.ziyoue.com) веб-сайтларида.

Илмий маслаҳатчи:

Чекбаров Фазлмур Насимович
география фанлари доктори, профессор

Раъсий ошшоқчилар:

Ахмедов Фазлмидин
география фанлари доктори, профессор

Мурадов Шукрат Одилевич
техника фанлари доктори, профессор

Рафиков Ваҳоб Асонович
география фанлари доктори

Ведущая организация:

Самарқанд Давлат университети

Диссертация ҳимояси Гидрометрология илмий-текшириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 24 «ноябр» да соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100052, Тошкент шаҳри, Бодомзор йули, 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (998)712358512; факс: (998)712371319; e-mail: nigmi@albatros.uz)

Диссертация билан Гидрометрология илмий-текшириш институти Илмий техник кутубхонасида танишиш мумкин ~~202~~ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100052, Тошкент шаҳри, Бодомзор йули, 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (998)712358512; факс: (998)712371319; e-mail: nigmi@albatros.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «14» ноябр кунин тарқатилди
(2020 йил «14» ноябр даги 24 рақамли реестр баённомаси).



В.Е. Чуб
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г. ф. д.

Б.Э. Нишонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т. ф. н.

С.В. Магков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т. ф. д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўтган аср давомида дунёда сувдан фойдаланиш кўрсаткичи олти баравар ошди ва йилига тахминан бир фоизга ўсишда давом этмоқда. Шу билан бирга, иқлим ўзгаришини баҳолашларга кўра, ҳозирги кунда “сув етишмовчилиги”ни бошдан кечираётган мамлакатларда такрорланиши кўчайиб бораётган бўронлар, тошқинлар ва қурғоқчилик каби ҳодисалар юз бериши натижасида вазият янада оғирлашмоқда ва ҳозирча бундай муаммоларга эга бўлмаган ҳудудларда ҳам ушбу муаммоларнинг кузатилиши тахмин қилинмоқда. ЮНЕСКО Бош директори Одри Азулининг таъкидлашича, “Сув масаласига фақат муаммо ёки танқислик нуқтаи назаридан қараш нотўғри бўлади. Сувни бошқаришни яхшилаш, иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ҳаракатларни кенгайтириши мумкин”¹.

Дунёда сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига, хусусан, дарёларнинг гидрологик ва гидрокимёвий режимига антропоген таъсири ўрганишга устувор аҳамият берилмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳозирги кунда антропоген омилларнинг кучли таъсири остидаги сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини ўрганиш, гидрологик ва гидрокимёвий режимини комплекс баҳолаш, шунингдек, унинг йил давомида ўзгариш хусусиятларини аниқлаш, дарёлар, коллектор-зовур ва ер ости сувларининг захираси ва минерализациясининг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистон Республикасида Амударёнинг дельта қисмидаги барча суғориладиган ерларда, айниқса, унинг шимолий ҳудудларида кескин сув танқислиги кузатилмоқда. Баҳор ва вегетация даврида сув етишмаслиги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш режасининг бажарилмаслигига, шунингдек, ҳосилнинг сезиларли даражада пасайишига ёки сувсизликдан экинларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида “Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири - Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда”². Бу вазифаларни ҳал этишда Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш ва бу таъсири камайтириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш

¹ Доклад ООН о мировом развитии водных ресурсов 2020 - Вода и изменение климата. www.unesco.org

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи, Халқ сўзи газетаси, 20.09.2017, № 179 (6901).

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ 3286-сонли “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ 2731-сонли “2017-2021 йилларда Орол бўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда шу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг шарҳи³. Мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини баҳолаш, бу таъсирни камайтириш мақсадида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланган ерларни ювиш ва сувдан самарали фойдаланиш бўйича технологияларни такомиллаштиришнинг ташкилий-бошқарув, технологик усулларини ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute of Hydrology Wallingford Oxfordshire (Буюк Британия), Institute of Hydrologi Oxson (Буюк Британия), Norwegian Institute for Water Research (Норвегия), China Institute of Water Resources and Hydropower Research (Хитой), International Water Manegement institute - IWMИ (Ҳиндистон), Давлат гидрология институти (Россия), Мелиорация ва гидротехника илмий тадқиқот институти (Россия), Россия Фанлар академиясининг Сув муаммолари институтида олиб борилмоқда.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив тадбирларнинг сув ресурслари гидроэкологик ҳолатига таъсирини камайтириш масалаларини тадқиқ этиш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий ва амалий натижаларга эришилган, жумладан: суғориладиган ерларнинг сув баланси тенгламалари такомиллаштирилган (Давлат гидрологик институти, Россия), суғориладиган майдонларда содир бўладиган гидрологик жараёнларнинг қонуниятлари, шунингдек, уларнинг сув-туз баланси масалалари, дарё сувлари сарфланишининг таркибий қисмлари аниқланган (Россия Фанлар академиясининг сув муаммолари институти), суғориладиган майдонларда сув баланси элементларининг мавсумий ва макон бўйича ўзгаришини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган (Institute of Hydrology Wallingford Oxfordshire, Буюк Британия), дарёлар ва бошқа сув

³ Диссертация мавзуси буйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.hydrology.ru/>, <https://www.iwp.ru/science/>, www.sawater-info.net ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ҳавзаларининг маиший-коммунал ва саноат корхоналари оқова сувлари, шунингдек, суғориладиган экин майдонларида шаклландиган қайтарма сувлар билан ифлосланиши баҳоланган (Norwegian Institute for Water Research, Норвегия), сув ресурсларини бошқариш ва уларни сув истеъмолчиларига тақсимлашнинг оптимал вариантлари тавсия этилган (Мелиорация ва гидротехника илмий тадқиқот институти, Россия ва International Water Management institute – IWMI, Ҳиндистон).

Дунёда мавжуд сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини ўрганиш, уларга мелиоратив тадбирлар таъсирини баҳолаш ва ушбу таъсирни камайтириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: табиий сув ҳавзалари – дарёлар ва кўллар гидрологик режимига антропоген таъсирни баҳолашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, суғориладиган экин майдонларида дарёлар оқими трансформацияси – ўзгаришлари жараёнларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг сув-туз баланси режимини оптималлаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, суғоришга олинган сувнинг сарфланиши таркибини аниқлаш асосида бу жараёнларнинг моделларини яратиш, суғориладиган экин майдонларида шаклландиган қайтарма сувларни микдорий ва сифатий баҳолаш, улардан иккиламчи фойдаланиш мезонларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биогеохимё, геохимёвий экология ва гидроэкологияни ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг назарий ва амалий масалалари В.И.Вернадский; А.П.Виноградов; В.В.Ковальский; М.А.Риш, Р.А.Нижеховский ва бошқаларнинг ишларида тўлиқ ёритилган.

Ўтган йиллар давомида Амударё ва магистрал коллекторларнинг гидрологик ва гидрохимёвий режими В.Л.Шульц, Ю.Н.Иванов, В.Е.Чуб, Ф.Е.Рубинова, Б.К.Царев, С.В.Мягков, Э.И.Чембарисов, М.А.Якубов, Ф.Ҳикматов, Е.Қ.Қурбанбаев, А.А.Рафиқов, В.А.Рафиқов, Ш.О.Мурадов, Б.Е.Аденбаев ва бошқалар томонидан маълум даражада ўрганилган.⁴ Улар илмий изланишларида сув ҳавзаларининг табиий оқим режими ва унинг ўзгаришини Амударё узунлиги бўйича баҳолашга эътибор қаратганлар.

Ўзбекистон Республикаси, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидаги ер ости сув ресурслари В.А.Ковда, Д.М.Кац, А.Р.Рамазанов, Ф.М.Рахимбаев, С.Ш.Мирзаев, Н.Н.Ходжибаев, В.А.Борисов,

⁴ Шульц В.Л., Реки Средней Азии. Л., Гидрометеиздат, 1965. - 651с; Рубинова Ф.Э., Иванов Ю.Н. Качество воды рек бассейна Аральского моря и его изменение под влиянием хозяйственной деятельности. – Ташкент: НИГМИ Узгидромет, 2005. -185 с.; Рамазанов А.Р., Курбанбаев Е., Якубов Х.И. Некоторые вопросы мелиорации засоленных земель в низовьях Амударьи. - Нукус: Каракалпакстан, 1979, -221 с.; Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Узбекистан. –Ташкент: «VORIS-NASHRIYOT», 2007. - 132 с.; Мягков С.В., Мягкова Н.В. Прогноз стока коллекторно-дренажных вод в бассейне Амударьи. – В кн.: «Пресная вода». – Ташкент: САНИГМИ, 1995. – С.27-29.; Хикматов Ф.Х. и др. Оценка водообеспеченности низовьев Амударьи// Матер. межд. науч. конференции, «Инновация-2008», Ташкент: ТГПУ, 2008. – С.380-381.; Рафиқов В.А. Особенности и пределы деструкции, деградации и восстановления геосистем: автореферат диссер... доктора географических наук (DSc). – Ташкент, 2017. – 61с.

Х.И.Якубов, Н.М.Решеткина ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ушбу муаллифлар табиий шароитда ер ости сувларининг шаклланиши ҳамда уларнинг суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати ва тупроқларининг шўрланишига таъсирини ўрганишга эътибор қаратганлар.

Ер ва сув ресурсларидан рационал фойдаланиш, суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шўрлаган тупроқларни ювиш муаммолари бўйича ҳам олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Stenley Knadson, P.Debaeke, H.Zhang, P.Sam Geertsларнинг илмий тадқиқотлари сув танқислиги шароитида сув ресурсларини бошқариш услубиятини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди.

Сув ресурсларининг танқислиги ва уларнинг гидроэкологик шароити ва сифати ёмонлашуви барқарор равишда ошиб бораётган шароитда мавжуд сув хўжалиги тизимлари билан қишлоқ хўжалиги сув таъминотини такомиллаштириш, бошқаришнинг илмий асосланган ташкилий-таркибий шакллари ишлаб чиқиш, Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолаш, мавжуд сув ресурсларидан фойдаланишнинг сувтежамкор технологияларини ишлаб чиқишга тааллуқли бўлган масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларнинг ечимига қаратилганлиги билан олдинги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоғистон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-7, №PZ-2014 - “Жанубий Орол бўйи минтақасининг экстремал шароитида ем-хашак экинларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) ва ҚХА-7-014-2017 - “Тузга чидамли экинларни суғориш ва яйлов-пичанзорларни сув билан таъминлаш, шунингдек, кучли шўрланган ерларни ювиш учун қайтар оқим (коллектор сувлари)дан қайта фойдаланиш имкониятларини ўрганиш” (2017-2018 йй.) амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш ва ушбу таъсирни камайтириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш усулини такомиллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикасидаги ер усти сув ресурслари гидрологик ҳолатининг кўп йиллик ўзгаришини баҳолаш;

Қорақалпоғистон Республикаси ер ости сув ресурсларининг гидрогеологик ҳолатини ва уларнинг кўп йиллик ўзгаришларини аниқлаш;

тузга чидамли экинларни суғориш, яйлов-пичанли ерларни сув билан таъминлаш ва кучли шўрланган ерларни ювишда коллектор сувларидан қайта фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш ва уни яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг дарё (суғориш), коллектор-зовур, ер ости ва ичимлик сувлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий туманларида сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини аниқлаш ва бу таъсирни комплекс усул билан баҳолаш орқали уни камайтириш йўллари излаш масалалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрологик, гидрохимёвий ҳисоблаш усуллари билан бир қаторда математик статистика, корреляцион таҳлил, сув-туз баланси, дала тажрибалари усули ва суғориш майдонларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолашнинг такомиллаштирилган ландшафт-галохимёвий усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув ресурслари гидроэкологик ҳолатини баҳолашнинг ландшафт-галогеохимёвий усули кичик суғориш ҳавзалари қирқимида такомиллаштирилган ҳамда унинг асосида Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий туманлари кесимида дарё, коллектор-зовур, ер ости сувлари миқдори, минераллашув даражаси ва сифатининг шаклланиш хусусиятлари аниқланган;

Амударёнинг қуйи оқими, ҳудуд коллектор-зовур тармоқлари гидрологик ва гидрохимёвий режими элементларининг йил давомида тақсимланиши, ўзгаришлари сув таъминоти турлича (кам, ўртача, кўп сувли) йиллар учун аниқланган;

суғориладиган экин майдонларида сизот сувларининг гидрогеологик ва гидрохимёвий режимидаги ўзгаришларнинг, уларнинг ер юзасига нисбатан жойлашиш чуқурликларига боғлиқлиги аниқланган;

Орол денгизининг қуриган тубида тузга чидамли экинларни суғориш, яйловларни сувлантириш ва кучли шўрланган тупроқларни ювиш учун коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолати, жумладан миқдори, минераллашув даражаси ва сифати бўйича комплекс баҳоланиб, улардан ичимлик сув таъминоти, Оролнинг қуриган тубида яратилган яшил майдонларни суғориш, яйловларни сувлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳавзали ландшафт-галогеохимёвий усулидан фойдаланиб, гидроэкологик мониторинг усулини такомиллаштириш орқали сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

ҳавзада жойлашган барча постлар бўйича Амударё дарёсининг кўп йиллик гидрологик ва гидрохимёвий режими баҳоланган;

магистрал коллекторларнинг кўп йиллик гидрологик ва гидрокимёвий режими ҳамда турли хил сувли йиллар учун сув сарфи ва минерализациясининг йил давомидаги режими баҳоланган;

суғориладиган ерлардаги сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги, минерализацияси ва кимёвий таркибининг ҳозирги ҳолати аниқланган;

суғориш, сув билан таъминлаш ҳамда кучли шўрланган ерларни ювиш учун коллектор сувларидан қайта фойдаланиш имкониятлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертация ишида Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолашда Ўзгидромет, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон гидромелиортив экспедициясининг расмий манбаларидан олинган маълумотлар дастлабки манба сифатида фойдаланилганлиги билан асосланган. Шунингдек, диссертацияда муаллифнинг дала шароитида олиб борган кузатувлари материаллари, лаборатория ва экспериментал тажрибаларининг натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган илмий усуллари билан белгиланади. Олинган натижалар Жанубий Оролбўйи минтақаси шароитида сув ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ҳамда минтақада экологик вазиятни юмшатиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, суғорма деҳқончиликда инновацион ғояларни шакллантириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш, бу ишларни амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади. Диссертация ишида қўлланилган услубий ёндашувлар олий таълим муассасаларида “Гидроэкология”, “Гидробиология”, “Гидрология” ва бошқа фанларни ўрганиш жараёнида ўқув жараёнининг сифатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорация таъсирини комплекс баҳолаш ва уни қисқартириш йўллари бўйича амалга оширилган тадқиқотларнинг илмий натижалари асосида:

кичик суғориш ҳавзалари қирқимида такомиллаштирилган сув ресурслари гидроэкологик ҳолатини баҳолашнинг ландшафт-галогеокимёвий усули ҳамда унинг асосида Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий туманлари кесимида аниқланган дарё, коллектор-зовур, ер ости сувлари миқдори ва минераллашув даражаси ҳамда сифатининг шаклланиш хусусиятлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги

тизимда минтақавий сув ишларини бажаришда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 02/02-3-300-сонли маълумотномаси). Натижада мавжуд ирригация тармоқларидаги дарё оқимининг миқдорий ва сифатий тавсифларини аниқлаштириш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикасида маъмурий туманлар кесимида дарё, коллектор-зовур, ер ости сувларининг ҳажми ва минерализацияси ҳамда ичимлик суви сифати шаклланишинг такомиллаштирилган комплекс усулда аниқланган қонуниятлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида минтақавий сув ишларини бажаришда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 02/02-3-300-сонли маълумотномаси). Натижада мавжуд ирригация тармоқларидаги дарё оқимининг миқдорий ва сифатий тавсифларини аниқлаштириш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Амударёнинг қуйи оқими, худуд коллектор-зовур тармоқлари гидрологик ва гидрокимёвий режими элементларининг сув таъминоти турлича (кам, ўртача, кўп сувли) йиллар учун аниқланган йил давомида тақсимланиши ва ўзгаришлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида сув хўжалиги ҳисобларини бажаришда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 02/02-3-300-сонли маълумотномаси). Натижада сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг истиқболли режаларига аниқлик киритиш имконини берган;

суғориладиган экин майдонларида сизот сувларининг гидрогеологик ва гидрокимёвий режимидаги ўзгаришларнинг, уларнинг ер юзасига нисбатан жойлашиш чуқурликларига боғлиқлиги аниқланган натижалар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида суғориладиган майдонлар мелиорация ҳолатининг мақбул мезонларини ишлаб чиқишда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 01/027-1892-сонли маълумотномаси), Натижада суғориш массивларининг гидрогеологик параметрларининг ўзгариши шароитларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини яратган;

Орол денгизининг қуриган тубида тузга чидамли экинларни суғориш, яйловларни сувлантириш ва кучли шўрланган тупроқларни ювиш учун коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш имкониятлари бўйича тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида кам сувли йилларда коллектор-зовур сувларини қайта ишлатишда фойдаланиш учун жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 01/027-1892-сонли маълумотномаси). Натижада сув ресурсларига қўшимча манба сифатида коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолати, жумладан миқдори, минераллашув даражаси ва сифати бўйича

комплекс баҳоланиб, улардан ичимлик сув таъминоти, Оролнинг қуриган тубида яратилган яшил майдонларни суғориш, яйловларни сувлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида кўриб чиқиладиган ҳудуд ер усти сувларининг гидрокимёвий таркибини аниқлаш учун жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси 2020 йил 9 сентябрдаги 02/18-1-1664-сонли маълумотномаси). Натижада мавжуд кўриб чиқиладиган маъмурий туманларнинг гидроэкологик ҳолатини яхшилашга ва сув ресурслари сифатини назорат қилиш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 30 та халқаро ва 21 та республика миқёсида илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 63 та илмий иш, шулардан, 1 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари ҳамда диссертациянинг тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, шунингдек, мавзунинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, мавзу доирасида нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш усуллари”** деб номланган **биринчи бобида** Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш таклиф қилинган ва ундан фойдаланилган. У қуйидагилардан иборат: а) суғориладиган майдоннинг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш усули ҳавзали ландшафт-галогеоимёвий усули билан биргаликда кўриб чиқилган; б) усулнинг комплекслиги, яъни суғориладиган майдоннинг дарё, коллектор-зовур ва ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолати ва

ичимлик сувининг сифати биргаликда баҳолашга имкон беришни асослаб берилган.

Блок-модел шаклида кўриб чиқилган гидроэкологик мониторинг усули такомиллаштирилган, унда табиий ҳудудларнинг гидроэкологик ҳолатини, шу жумладан антропоген ва табиий-географик омилларни баҳолашда зарур бўлган кўплаб омиллар қайд этилган.

Гидроэкологик мониторинг усулида геотизимларни баҳолашда учта асосий объект ҳисобга олинган: дарё (суғориш) сувлари коллектор-зовур оқимлари ва ер ости сувлари. Математик-картографик моделлаштириш ва компьютер маълумотлари банкидан фойдаланилганда тадқиқот жараёни соддалаштирилади, хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ГИС технологиялардан фойдаланиш имкони яратилган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичи – “Дарё ҳавзасининг гидроэкологик мониторинги” да Орол денгизи ҳавзаси дарёларининг кимёвий таркибидаги ўзгаришлари иккита муҳим омил (антропоген ва табиий-географик) таъсирини ҳисобга олган ҳолда баҳоланган.

Иккинчи босқич – “Башоратлаш” турли хил моделлардан иборат:

- детерминациялашган моделлар, бунда ўрганилаётган ҳодисаларнинг маълум маънода белгиланишининг очилишига урғу берилади. Бу тизимли таҳлилдан кенг миқёсда фойдаланиш каби ҳолатларга ўхшашдир. Бу модел ҳудудий даража - дарё ҳавзасини ўрганишда В.Г.Глушков (1978) қўллаган географик-гидрологик усул, бу усул Э.И.Чембарисовнинг (2005) ҳавзали усулини ўз ичига олади;

- стохастик моделлар - бу оддий математик моделлар бўлиб, бунда статистик усуллардан фойдаланилади. Бизнинг ҳолатда бу корреляция ва регрессия таҳлили, бунда регрессия тенгламаси ёрдамида башорат қилиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, барча ўрганилаётган створлар бўйича тренд-таҳлилдан фойдаланилган. Бунда керакли, қулай ифода танланади ва ҳар хил юкламалар остида таркибдаги ўзгаришларнинг турли ҳолатлари имитация қилинади. Тизимнинг асосий варианты 20 хил ифлослантирувчи моддалар билан бир вақтда ишлашга тайёр қилинади. Ҳисоб-китоблар учун дастлабки маълумотлар киритилади ва 2000-2019 йиллар бўйича шахсий маълумотлар базасида сақланади;

- синтезланган комплекс модел, бу ўрганилаётган ҳавзанинг гидроэкологик ҳолатини хариталаштиришдир. Бу ерда бошқа моделлардан олинган барча натижалар умумлаштирилади. Ер усти сувларининг кимёвий таркибини аниқлашда ГАТ – хариталаш методикасидан фойдаланилган.


Башорат қилинаётган моддалар сувни муҳофаза қилиш чораларини экологик ва иқтисодий баҳолашни мажбурий ҳисобга олиш билан, уларнинг таркибини назорат қилишга ўтиш мақсадида алоҳида гуруҳларга ажратилаган.

Сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш усули таркибига табиий омиллар таъсирини ҳам, антропоген омиллар таъсирини

хам ҳисобга оладиган табиий мелиоратив муҳитни геофик-галохимёвий таҳлилининг ҳавзали усули ҳам киритилган (1-расм).

Тузилган харитада, тадқиқотнинг белгиланган вазифаси ва мавжуд маълумотларга боғлиқ равишда, деярли барча усуллардан фойдаланилган.

Диссертациянинг “Қорақалпоғистон Республикасидаги ер усти сув ресурслари гидрологик ҳолатининг кўп йиллик ўзгариши” деб номланган **иккинчи боб**да Амударё дарёсининг гидрологик ва гидрохимёвий режими, йирик каналларнинг гидрологик режими, магистрал коллекторларнинг гидрологик ва гидрохимёвий режими, коллектор-зовур сувларининг ҳолати, ҳар хил сувли йиллар учун коллекторларнинг гидроэкологик ва гидрохимёвий режимларининг шаклланиш хусусияти, шунингдек, ер усти сувларининг ҳозирги гидрохимёвий ҳолати, 2030 йил учун дарё сувларининг минерализацияси башорати, Орол денгизининг ҳозирги ҳолати ва муаммолари кўриб чиқилган.



1-расм. Амударёнинг қуйи оқимини гидроэкологик мониторинг қилиш учун ГАТ (система ArcView.GIS) дан фойдаланиш намунаси

Изоҳ: маълумотлар жадвал шаклидаги рақамли харитага боғланган.

Амударё дарёсининг гидрологик ва гидрохимёвий режими. Олиб борилган таҳлилларга кўра, Амударё дарёсининг юқори қисмида (Атамурад-Керки г/п) дарёнинг 2000-2003, 2004-2007, 2008-2012 йиллардаги сувлилиги 1911-1917 ва 1935-1936 йиллардаги сувлилик билан таққослаганда 1,3-1,6 марта камайган. Кўп сувли даврнинг келиши эҳтимоли деярли ўзгармаганлиги, аввалгидек, ўртача март-апрель ойларида бошланиши ва сентябрь-октябрь ойларида тугаши кўрсатиб берилган.

Ҳозирги вақтда Амударёдан дарёси бўйича Орол денгизига келиб тушадиган оқимни баҳолаш жуда қийин. Дарёнинг дельта қисмида Қизилжар ва Парлитау каби иккита пост мавжуд. Улар орасидаги масофа 73 км. Парлитауда фақат 1992 ва 1993 йилларда 234 ва 59,3 м³/с сув сарфи қайд этилган. 1992-2018 йилларда ушбу постдан ўртача 20-15 м³/с сув сарфи ўтган ва буни Орол денгизига Қорақалпоғистондан келиб тушган дарё сувларининг оқими деб ҳисоблаш мумкин.

Амударё сувида Cl ва SO_4 ионларининг миқдори устунлик қилади, ушбу ионлардан кейин $\text{Na} + \text{K}$, Mg , Ca , HCO_3 ионлари жойлашади. Сувнинг минерализацияси катта бўлганда SO_4 нинг Cl дан кичик миқдорда устунлик қилиши кузатилади. Сувнинг умумий минерализацияси ошиши билан Cl ва SO_4 каби асосий ионларнинг миқдори ортади ва Ca , $\text{Na} + \text{K}$ ва Mg ионларининг миқдори эса камаяди. Узоқ муддатли кузатувлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, Амударё суви узлуксиз равишда камайиб боради, бу ҳолат дарёдан катта миқдорда сув олиниши ва дарёнинг ўзида умумий сувлиликнинг пасайиши натижасида юз бериши, асосан, дарёнинг бутун узунлиги бўйича коллектор сувларининг катта миқдорда ташланиши билан боғлиқ. Сарбас ва Междуречье сув объектларида, Мўйноқ кўрфазида ҳам SO_4 ва Cl ионлари устунлик қилади, кейин эса кетма-кетлик асосида Na , Ca , Mg , HCO_3 ва K ионлари жойлашади. Сарбас кўрфазида кузатиб борилган даврда сувнинг минерализацияси баҳорда 8,6 г/л га тенг бўлган, бу эса РЭМдан 7,6 мартага юқори бўлган, ёзда 9,06 г/л, кузда 7,23 г/л га тенг бўлган. Мўйноқ кўрфазида баҳорда - 16,15 г/л ни ташкил этади, бу ҳолат РЭМдан 15,1 баробар катта, ёзда 17,12 г/л, кузда 14,3 г/л бўлганини кузатишимиз мумкин. Шегекулда эса ёзда - 2,93 мг/л, кузда - 1,88 мг/л га тенг бўлган. Сувнинг қаттиқлиги, ионларнинг йиғиндиси ($\text{Ca} + \text{Mg}$) биз кузатув олиб бораётган сув объектларидаги сувнинг кимёвий таркибини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Аниқроғи, Қипчоқдарё каналида, ўрганиш даврида, сувнинг қаттиқлиги 8,5-19 мг экв/л (РЭМдан 1,2-2,71 марта катта). Ёзда бу кўрсаткич камаяди, кузда ва баҳорда эса ўсади, Междуречьеда - 5,9 - 7,2 мг экв/л, ёзда кичикроқ, кузда эса каттароқ, Мўйноқ кўрфазида 13,4 дан 160 мг экв/л гача (РЭМдан 1,91 -22,85 баробар катта), баҳорги тўлинсувда 160 мг экв/л дан катта, ёзда эса 24 мг экв/л. Сарбас кўрфазида 12,8-78 мг экв/л (РЭМдан 1,82-11,14 баробар катта), кузда - 12,8, ёзда - 18,25, баҳорда - 78 мг экв/л. Амударё дарёсида қаттиқлик миқдори 15,6 мг экв/л ни ташкил этади (РЭМдан 2,2 баробар катта).

Магистрал коллекторларнинг гидрологик ва гидрокимёвий режими. Коллектор-зовур оқими Амударёнинг қуйи оқимидаги мелиоратив ҳолатга таъсир қилади ва унинг кўрсаткичи ҳисобланади. 2005-2017 йилларнинг охирига келиб, Қорақалпоғистоннинг суғориладиган ҳудудларидан ўн бешта магистрал ва хўжаликлараро коллекторлардан йилига 2,20 км³ миқдорида коллектор-зовур оқими келиб тушган. Коллекторлардаги ўртача йиллик минерализация миқдори 1,74 (КС-5 коллектори) дан 3,94 г/л гача (Правомангитский) ўзгарган, коллектор-зовур сувларининг кимёвий таркиби ўзгармаган ва хлорид-сулфат-магний-натрийли (ХС-МН) бўлиб қолган.

Йил сувлигининг ўзгаришига қараб, магистрал коллекторларда (КС-1, КС-3, ККС, ГЛК, ГЮКК коллекторлари танланган) сув сарфи ва минерализациянинг ўзгаришини ўрганишга катта эътибор берилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, кўп сувли йилларда коллекторлардаги сувнинг сарфи ошади ва уларнинг минерализацияси эса пасаяди.

Вегетация даврида суғориш учун дарёдан максимал миқдорда сув олинганда, коллектор сувларининг минерализацияси сезиларли даражада камаяди. Коллектор сувлари минерализациясининг навбатдаги камайиш марта кўтарилиши шўр ювиш даврига тўғри келади. Шўрланган ерларни ювиш натижасида тузсизлантириш таъсири ноябрь ва декабрь ойларига тўғри келади.

Орол денгизи муаммосининг ҳозирги ҳолати. Ҳозирги кунда Орол денгизи қуриб боришда давом этмоқда. Бир неча йил олдин Кичик денгиз Катта денгиздан ажралишни бошлади. 1990 йилда Кичик денгизнинг сув сатҳи 39,7-39,5 м атрофида эди, унинг майдони 2,9-3,0 минг км², сув ҳажми тахминан 20,0 км³, ўртача минерализацияси 30 г/л ни ташкил этади. 1990 йилда Катта денгизнинг сув сатҳи 38,5-38,7 м атрофида бўлиб, унинг майдони 40 минг км², ҳажми 310 км³ ва ўртача минерализация кўрсаткичи тахминан 32 г/л ни ташкил этади. Катта денгиз 31 м. абс. сатҳда шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинди. Ҳозирги вақтда шарқий қисми деярли қуриб қолди.

Сўнгги йилларда қуриган денгиз тубининг майдони 6 миллион гектарни ташкил этади. Бу ерлар қишлоқ хўжалиги учун фойдаланишга яроқли эмас, чунки уларнинг таркибида гумус йўқ ва улар кучли шўрланган бўлиб, шўрланган ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги катта. Ҳозирда Орол денгизининг қуриган тубида захарли чангнинг олиб чиқиш манбаига айланган кучли шўрланган Оролқум чўли ҳосил бўлган. ҳар йили атмосферага бу чанг 75 миллион тоннагача чиқарилади.

Орол денгизининг турли қисмларидаги ҳолатни чуқур ўрганишни Р.О.Завьялов ва бир гуруҳ тадқиқотчилар (Россия Фанлар Академиясининг П.П.Ширшов номидаги Океанология институти, Москва) олиб бормоқда.

Уларнинг тадқиқотларига кўра, Катта Орол ва Тушебас кўллари гипергалинли юқори таксоцитар тузилишга эга сув объектларига айланган. Кичик Орол эса қуришидан олдинги атроф-муҳитга ўхшаш бўлган шўр экотизим билан ажралиб туради. Кичик Орол ва Тушебас кўллари аралаш вертикал тузилишга, ғарбий Катта Орол денгизи эса табақалашган тузилишга эга.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон Республикасининг ер ости сув ресурслари ва уларнинг кўп йиллик гидрогеологик ҳолатидаги ўзгаришлар”** деб номланган **учинчи бобида** ер ости сувларининг табиий оқимлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган майдонларнинг ер ости сувларини минерализацияси ва кимёвий таркибининг ўзгариши кўриб чиқилган.

Ер ости сувларининг табиий оқимлари. Ер ости сувлари сатҳининг мавсумий ва кўп йиллик ўзгариши тупроқ қатламларидаги тузларнинг кўчишида муҳим рол ўйнайди. Катта чиқурликда (5-7 м) жойлашган ер ости сувлари тупроқнинг намлик режимига таъсир қилмайди, кичик чиқурликдаги ер ости сувларда капилляр жияқдаги намлик тупроқларнинг сув режимини ўзгартиради ва улардаги биологик жараёнларга таъсир этади. Озиқланиш ва

сарфланиш шароитига боғлиқ равишда, ер ости сувлари режимини бешта асосий турга ажратиш мумкин: иқлим, аллювиал-саз, гидрогеологик, аралаш, ирригацион.

Амударёнинг қуйи оқимидаги геологик ва геоморфологик тузилиш ер ости сувларининг чиқиш шароитини қийинлаштиради. Ер ости сувлари режимининг шаклланиши қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- дарё ва йирик каналлардан шимилиш таъсири остида, шунинг учун улардаги сув сатҳининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ;
- аниқ мавсумий характерга эга бўлган суғориш ва ювиш таъсири остида суғориладиган ерларда;
- ер ости оқими бўлмаган ер ости сувлари режими, тебранишларнинг мутлақо кичик амплитудаси билан тавсифланади.

Худуд юзасининг жуда кичик нишаблиги (0,0001-0,0002) ва сувни яхши ўтказувчи қум ва қумлоқ қатламларнинг етарли даражада сув ўтказиши (горизонтал йўналишда) туфайли худудларнинг табиий зовурланиши пастлиги ҳисобига дарёлар ва каналлардан, суғориладиган ва ювиладиган далалардан (ер ости сувларини бостириш ва буғлатиш) уларга яқин жойлашган худудлар томон ер ости сувларида гидростатик босимнинг ўткатилиши юз беради. Зовурланиш яхши бўлмаганда, ер ости сувлар сатҳини пасайтириш ва чиқариб ташлашда, тупроқлардаги туз режимини тартибга солишда қийинчиликлар пайдо бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган майдонларидаги ер ости сувларининг минерализацияси ва кимёвий таркибининг ўзгариши. Амударё дельтаси геологик тузилишининг мураккаблиги, дельтада суғориладиган ерларнинг мавжудлиги ва улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш, унда ер ости сувлари режими шаклланишининг гидрогеологик шароитининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.


Гидроэкологик мониторингни ўтказишда ер ости сувларининг минерализацияси ва ҳолатининг кўп йиллик ўзгаришларини таҳлил қилиш катта амалий аҳамият касб этади.

515,3 минг гектар суғориладиган майдонда 0-1 м чуқурликдаги ер ости сувлари 7,8 минг гектарни эгаллайди; 1-1,5 м - 48,9 минг гектар; 1,5-2 м - 267,8 минг гектар; 2-3 м - 120,9 минг гектар; 3-5 м - 66,9 минг гектар; 5 м дан катта чуқурликда - 2,25 минг гектар. Ер ости сувларининг минерализацияси қуйидаги тартибда ўзгаради: 0-1 г/л 2,7 минг гектарни эгаллайди; 1-3 г/л 439,7 минг гектарни эгаллайди; 3-5 г/л - 72,8 минг гектар; 5-10 г/л - 6,06 минг гектар ва 10 г/л дан катта - 0,3 минг гектар (3-расм).

1963-2011 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ер ости сувларининг ўзгариш графиги 4-расмда келтирилган. Ушбу расмда кўриниб турибдики, ер ости сувларининг чуқурлиги 1980 йилдан 1999 йилгача 210-180 см гача ўзгариб турган ва камсувли 2000-2001 йилларда эса, ер ости сувлар чуқурлиги 350-360 см гача тушган. Бу эса суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг бироз яхшиланишига олиб келган.


Дельта чўкиндиларининг қатламларини тўйинтирувчи ва деярли умумий оқимга эга бўлмаган ер ости сувлари, бир жинсли бўлмаган гидрогеологик шароитга эга бўлган улкан ҳавзани ҳосил қилади. Амударёнинг куйи оқими ер ости сувларининг шаклланиш шартлари бўйича, Ўзбекистоннинг бошқа воҳаларидан, дарёдан воҳанинг ичи томон ҳаракатланувчи сизот сувларининг оқимини ҳосил қилиб, худуднинг жамоавий белгилари бўйича дарёнинг асосий артерияси бўйлаб ўтиши билан фарқ қилган.

Умуман, республика бўйича кўриб чиқиладиган йиллар (1963-2019) давомида ер ости сувларининг чуқурлиги 185 дан 357 см гача ўзгарган, ўртача йиллик минерализация кўрсаткичи эса 3,00-3,8 г/л ни ташкил этган. Шу билан бирга, йил давомида ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги 177 дан 363 см гача ўзгариб турган. Суғориладиган ерларда ер ости сувларининг динамикаси бўйича гидрогеологик-мелиоратив ҳолат ҳақидаги мавжуд маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ер ости сувларининг кичик чуқурликлари март ва апрель ойларида, жадал ювиш ишлари даврида кузатилади, шўр ювиш ишлари тугаши билан ер ости сувлари сатҳи пасаяди. Юқорида кўриб чиқилган қонуниятлар узок муддат суғориш амалга оширилганда тупроқ ва грунтларнинг иккиламчи шўрланишини башорат қилишнинг назарий асосини ташкил этади. Ҳозирги вақтда хлорид-сульфатли (Х-С) иккиламчи шўрланиш тури кенг тарқалганлиги аниқланди. Суғориш тизимларидан узок вақт фойдаланиш ва хлорид, сульфат тузларини ювишда ер ости сувларининг минерализацияси пасаяди, улар тескари йўналишда метаморфозланади.



3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2018 йил вегетация даврида ер ости сувларининг ўртача минерализацияси (1-3 г/л)

Туман рақамлари: 1 - Тўрткўл, 2 - Эллиққалъа, 3 - Беруний, 4 - Амударё, 5 - Хўжайли, 6 - Шуманай, 7 - Қонликўл, 8 - Қўнғирот, 9 - Нукус, 10 - Кегейли, 11 - Чимбой, 12 - Қораўзак, 13 - Тахтакўпир, 14 - Мўйноқ.



4-расм. Қорақалпоғистон Республикасида ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши (1963-2011 йиллар)

Диссертациянинг тўртинчи боби “Тузга чидамли экинларни суғоришда, яйлов пичанли ерларни сув билан таъминлашда ва кучли шўрланган ерларни ювишда коллектор сувларидан қайта фойдаланиш имкониятларини ўрганиш”га бағишланган бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш, ем хашак ва сабзавот полиз экинларини етиштиришда минераллашган сувлардан фойдаланиш, 2015-2017 йилларда суғориш учун коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш бўйича турли хил тадқиқотларнинг натижалари, 2017-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш бўйича тажриба натижалари баён этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш бўйича турли тадқиқотлар натижалари. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сувнинг етишмаслиги Қорақалпоғистон Республикасида кескин вазиятни вужудга келтириб чиқармоқда ва суғориш, яйлов-пичанзорларни сув билан таъминлаш ва дельта кўллар учун ярқли бўлган кўшимча сув манбаларини қидиришни талаб қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида турли йилларда (1970-2005) чучук сув танқислиги шароитида пахта, шоли, ем-хашак, сабзавот ва полиз экинларини суғоришда, шунингдек шўрланган ерларни ювишда, яйлов ва пичанзорларни суғоришда, делтали кўлларни сув билан таъминлашда ва ишлаб чиқариш шароитларида балиқ етиштиришда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-ишлаб чиқариш ишлари олиб борилган. Бундай тадқиқотларнинг натижалари И.К.Киселева, Р.А.Алимов, Г.А.Ибрагимов, А.Р.Рамазонов, А.Р.Ражабов, Х.И.Яқубов, А.У.Усмонов, Н.И.Броницкий, Т.П.Глухова ва Г.А.Стрелникова, М.А.Яқубов ва бошқаларнинг ишларида чоп этилган.

Ем-хашак, сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда минераллашган сувлардан фойдаланиш. 1990 йилларнинг охири ва 2000 йилларнинг бошларида турли қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун минераллашган сувлардан фойдаланишнинг долзарблиги ва муҳим амалий аҳамият касб этиши сабабли “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш” Қорақалпоғистон бўлими Чимбой туманидаги “Кенес” ва “Қорақалпоқ” фермер хўжалиklarининг ҳудудида тажриба майдончаларини ташкил этишди ва у ерда муаллифнинг (Хожамуратова Р.Т., 2007) иштирокида суғориш учун минераллашган коллектор-зовур сувларидан фойдаланган ҳолда, ем-хашак (жўхори, маккажўхори) ва сабзавот-полиз (қовун, тарвуз, помидор) экинларини етиштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

“Қорақалпоқ” фермер хўжалигининг турли тажриба майдонларида жўхори ва маккажўхори экилган (ҳар бир экин эгаллаган умумий майдон 4,0 гектардан иборат эди). Суғориш суви яқин атрофда жойлашган каналдан олинган, минераллашган сув эса КС-1 коллекторидан оқиб келган.

Тажрибаларни ўтказиш давомида қуйидаги суғориш вариантлари қабул қилинган: а) каналдан олинган сув билан; б) минерализацияси 1,5 г/л бўлган коллектор суви билан; в) минерализацияси 2,0 г/л бўлган коллектор суви билан; д) минерализацияси 3,0 г/л бўлган коллектор суви билан. Суғориш сувининг керакли минерализацияси суғориш ва коллектор сувларини махсус сув ҳавзаларида аралаштириш йўли билан эришилган.

Умумий майдони 4,5 гектар бўлган “Кенес” фермер хўжалигидаги тажриба участкасида қовун, тарвуз ва помидор экилган. Суғориш суви яқин атрофда жойлашган Ой салма каналидан, минераллашган сув эса КС-13 коллекторидан келиб тушган.

Суғориладиган экин турига боғлиқ равишда уч-беш мартагача суғориш амалга оширилди, бунда суғориш меъёри 2100 дан 3500 м³/га гача ўзгариб турган. Тажриба участкаларининг тупроқлари оғир тупроқлардан иборат: 2,5-3,0 м чуқурликгача лой ва гил. Тупроқнинг механик таркибига боғлиқ равишда тупроқнинг зичлиги 1,4 дан 1,6 г/см³ гача ўзгариб турган.

Тажриба участкаларида олинган тупроқ намуналарини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, умуман олганда, тупроқдаги озуқа моддаларининг миқдори етарлича эмас: гумуснинг максимал миқдори 0,98% дан кичик, асосан юқори қатламда (0,20-0,40 м) тўпланган ва чуқурлик ортиши билан 0,35-0,27% гача камайиб боради. Вегетация даврида тажриба майдонларидаги ер ости сувларининг чуқурлиги 180 дан 295 см гача ўзгариб турган.

Ер ости сувларининг минерализацияси 7,58 дан 11,02 г/л гача ўзгариб турган, уларнинг кимёвий таркиби хлорид-сулфат-магний-натрийли (ХС-МН) бўлган. “Қорақалпоқ” ва “Кенес” фермер хўжалиklarининг тажриба майдонларида кимёвий таҳлил учун 50 дан ортиқ сув намуналари олинган,

кимёвий таҳлил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоэкология институтида ўтказилган.

Коллектор сувининг суғориш сувига нисбатан катта минерализацияга эга эканлигига қарамай “Қорақалпоқ” хўжалигининг тажриба участкасида маккажўхорининг ўртача ҳосили сезиларли даражада фарқ қилмади: коллектор суви билан суғорилганда 30-37 ц/га оралиғида; жўхорини чучук сув билан суғорилганда ҳосил 32-42 ц/га атрофида бўлди, коллектор суви билан суғорилганда эса 25-40 ц/га оралиғида бўлган.

2015-2017 йилларда суғориш учун коллектор ва зовур сувидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш. Ирригация сув муоммалари илимий текшириш институти (ИСМИТИ) ва ҚДУ мутахассислари томонидан Орол денгизининг қуриган тубида тузга чидамли баъзи экинларни суғориш учун коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш бўйича кўп йиллик тадқиқотлар олиб борилган.

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёдаги йирик суғориладиган ҳудудда 38-40 км³ коллектор-зовур сувлари шаклланади, бу эса ушбу ҳудуднинг мавжуд барча ер усти сув ресурсларининг 1/3 қисмини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида барча маъмурий ҳудудларда 20-22 км³ коллектор-зовур сувлари ҳосил бўлган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, бу сувлардан турли хил шўрга чидамли экинлар суғориш учун қайта фойдаланиш мумкин. Шунинг учун биз (ИСМИТИ ва Бердақ номидаги ҚДУ) томондан 2015-2017 йиллар мобайнида Орол денгизининг қуриган тубида жойлашган участкаларда тузга чидамли экинларни: жўхори, жўхори-судан ўти, Африка тариғини етиштириш бўйича дала тадқиқотлари олиб борилди.

Орол денгизининг қуриган тубида минераллашган коллектор-зовур сувлари билан турли хил тузга чидамли экинларни кўп йиллик муддатда суғориш амалга оширилган. Тажриба участкаси Жанубий Орол бўйи минтақаси Мўйноқ туманидаги “Тўққиз тўр” ёнида кўлининг Қозокдарё хўжалигида эски Саксовул питомнигида, КС-1 коллекторининг охириги қисмида жойлашган.

Турли хил ем-хашак экинларини суғоришда минераллашган сувлардан фойдаланишнинг долзарблиги ва муҳим амалий аҳамиятига эгаллиги сабабли тажриба ишлаб чиқариш майдончалари ташкил қилинди, бу ерда суғориш учун минераллашган коллектор-зовур сувларидан фойдаланган ҳолда ем-хашак экинларини етиштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Жўхори (“Ўзбекистон-18” нави), Жўхори-Судан ўти (“Чимбой-8” нави) ва Африка тариғи (“Ҳашаки-1” нави) экилди ва ҳар бир экин эгаллаган умумий майдон 0,27 га ни ташкил этди. Ем-хашак экинларини экиш учун сув яқин атрофда жойлашган КС-1 коллекторидан етказиб берилган.

Натижада қуйидаги хулосага келинди: суғориш сувларининг кескин танқислиги шароитида коллектор сувлари суғориш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади ва улардан ем-хашак экинларини жўхори, жўхори-сорго

ва африка тариғи. суғоришда фойдаланиш мумкин. Жўхори маккажўхорига нисбатан тузга чидамли экин бўлганлиги учун уни коллектор сувлари билан суғориладиган ем-хашак ерларида етиштириш донли экинларига нисбатан анча мақсадга мувофиқдир. Йиғим-терим ишлари тугагандан сўнг коллектор суви билан суғорилган тупроқларни профилактик ювиш тавсия этилган.

2017-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш бўйича тажрибалар натижалари. Коллектор-зовур сувлари билан суғоришнинг қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги “Ойбек” ва Нукус туманидаги “Содиқ” фермер хўжаликлари ҳудудида жойлашган тажриба участкаларида жўхорининг “Ўзбекистон - 18” навини етиштириш бўйича тажриба ўтказилган.

Минерализацияси 3 г/л гача бўлган коллектор суви билан суғоришда яшил масса ҳосилининг камайиши тахминан 13% ни ташкил этди, яъни у жўхори яшил массасининг ҳосилдорлигига катта таъсир кўрсатмаган деб ҳисоблаш мумкин. Аммо минерализацияси 4 г/л дан катта бўлган коллектор суви билан суғоришда ҳосилнинг йўқотилиши 30% дан ошган. Олдинги тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, минераллашган сув билан суғориш амалга оширилган ерларда 3-4 чи йилга келиб экинлар ҳосилдорлиги пасайиши мумкин. Бунинг сабаби минераллашган сув билан суғорилганда тупроқ жадал равишда шўрланган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини коллектор суви билан суғориш бўйича олиб борилган узок йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, суғориш сувининг минерализацияси 5 г/л дан ошганда ўсимлик (жўхори, беда, маккажўхори ва бошқалар) нобуд бўлади. Шундай қилиб, кўп йиллик тадқиқотлар натижаларининг таҳлилидан кузатиладики, суғориш сувининг минерализацияси 4 г/л дан ошганда, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши кескин секинлашади ва бу уларнинг ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Буни тупроқнинг илдиз қатламида токсик тузларнинг катта миқдорда тўпланиши билан изоҳлаш мумкин.

Юқорида қайд этилган тажрибалар “Қорақалпоқ”, “Кенес”, “Қозоқдарё”, “Ойбек”, “Содиқ” ҳудудида ўтказилган. Ушбу тажрибалар минерализацияси 3 г/л гача бўлган коллектор-зовур сувидан билан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди, шунингдек минерализацияси 10 г/л га тенг бўлган коллектор зовур сувларидан кучли шўрланган ерларни ювишда фойдаланилиши лозимлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **бешинчи боби “Сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш ва уни яхшилаш йўллари”** деб номланган. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш, шунингдек, ер усти ва ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолатини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси худудидаги сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолаш. Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш усулидан фойдаланилди ва у қуйидагилардан иборат:

- а) суғориладиган майдоннинг гидроэкологик ҳолатини баҳолаш усули ҳавзали ландшафт-галогеокимёвий усул билан биргаликда кўриб чиқилган;
- б) усулнинг мажмуавийлиги, суғориладиган майдонда дарё, коллектор-зовур ва ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолатини ва ичимлик суви сифатини биргаликда баҳолашдан иборат.

Дарё ва суғориш сувларининг гидроэкологик ҳолати. Ҳар хил турдаги тупроқларни суғоришда Марказий Осиёдаги суғориш (дарё) сувларининг сифатини ўрганиш ушбу тупроқлар ҳолати ўзгариши мумкин деган нуқтаи назардан катта амалий аҳамиятга эга: уларнинг шўрланиши, натрийли ва магнийли шўртобланиши, шўрхоқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, сода пайдо бўлиш ўчоқлари ва бошқалар.

Кўриб чиқиладиган муаммо жуда кенг ва унинг турли жиҳатларини ўрганишни талаб қилади. Шу каби жиҳатлардан бири минтақанинг дарё сувларини минерализацияси ва кимёвий таркибидаги кўп йиллик ўзгаришларни ўрганишдир.

Ҳозирги босқичда суғориладиган майдон 500-505 минг гектарни ташкил қилади, шўрланган ерларнинг улуши 95-97%, сув олиш ҳажми 10-11 км³. Темирбай постида Амударё дарёсидаги сувларнинг минерализацияси 1,65 г/л, сувнинг таркиби хлорид-сулфат-магний-кальций-натрийли (СХ-МКН).

Амударё дарёсидаги сув миқдорининг пасайиши ва суғориш таъсирининг кучайиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси худудига яқинлашганда дарёнинг минерализацияси 1,7-1,8 г/л га етади, сувнинг таркиби асосан сулфат-хлорид - кальций-натрийли (СХ - КН). Ушбу сув билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси худудидан 10-11 миллион тоннагача тузлар ўтган.

ККГМЭ кимё лабораториясининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Тўрткўл туманидаги суғориладиган сувнинг ўртача минерализацияси 1,03 г/л га тенг, Элликқалъа туманида - 1,05 г/л, Беруний туманида - 1,02 г/л, Хўжайли туманида - 1,00 г/л, Шуманай туманида - 1,00 г/л, Қонликўл туманида - 0,98 г/л, Қўнғирот туманида - 0,98 г/л, Нукус туманида - 0,96 г/л, Кегейли туманида - 0,98 г/л, Чимбой туманида - 0,98 г/л, Қораўзак туманида - 1,05 г/л, Тахтакўпир туманида - 1,03 г/л ва Мўйноқ туманида - 1,16 г/л га тенглиги аниқланган. Баҳолаш натижаларига кўра, турли минтақалардаги суғориш сувларининг гидроэкологик ҳолати мавжуд меъёрларга нисбатан кучсиз бузилгандан кучли бузилганга қараб ўзгариб турган.

Коллектор-зовур сувларининг гидроэкологик ҳолати. Амударёнинг дельта қисмидаги барча суғориладиган ерларида, айниқса республиканинг

шимолий ҳудудларида кескин сув танқислиги кузатилмоқда. Баҳор ва вегетация даврида сув етишмаслиги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш режасининг бажарилмаслигига, шунингдек ҳосилнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, 2015-2019 йил мобайнида мавжуд сув хўжалиги муаммоларини ҳал қилишда ушбу минтақадаги коллектор-зовур сувларининг роли сезиларли даражада ошган.

Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши ушбу минтақаларда сув таъминотини кучайтириш заруриятини келтириб чиқарди. Аммо, куйида кўрсатилгандек, Амударё оқимидан ҳозирги вақтда суғоришда тўлиқ фойдаланилмоқда. 2018 йил мобайнида пахта, шоли ва бошқа экинларни суғориш учун суғориш сувининг етишмаслиги, кам сувли йилларнинг тез-тез қайтарилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида ўта кескин вазият юзага келмоқда.

Қорақалпоғистон гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси материалларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган зонаси ичида йирик магистрал коллекторларининг (КС-1, КС-3, КС-4, ККС, Беруний, ГЮКК ва Қизилқум) ҳавзалари мавжуд бўлиб, улар оқимининг катта қисми Орол денгизига йўналтирилган, шунингдек, турли хил ирригацион-ташлама кўлларга чиқариб ташланади.

1960 йилдан бошлаб, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан Амударёнинг қуйи қисмида коллектор-зовур тармоғи қурилган ва ривожланган. Коллектор-зовур оқими Амударёнинг қуйи оқимидаги мелиоратив ҳолатга таъсир қилади ва унинг кўрсаткичи ҳисобланади. 2018 йилнинг охирига келиб, Қорақалпоғистоннинг суғориладиган ҳудудларидан ўн бешта магистрал ва хўжаликлараро коллекторлар томонидан йилига 2,20 км³ миқдорида коллектор-зовур оқими келиб тушган. Коллекторлардаги ўртача йиллик минерализация миқдори 1,74 (КС-5 коллектори) дан 3,94 г/л гача (Правомангитский) ўзгарган, коллектор-зовур сувларининг кимёвий таркиби ўзгармаган ва хлорид-сулфат-магний-натрийли (ХС-МН) бўлиб қолган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, турли минтақалардаги коллектор-зовур сувларининг гидроэкологик ҳолати мавжуд меъёрларга нисбатан озгина бузилганидан қаттиқ бузилгангача ўзгариб туради.

Ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолати. Ер ости сувлари - бу тузларнинг ҳаракатланиш, тупроқ ва ерлар шўрланишининг асосий омилларидан биридир. Ер ости сувлари атмосфера ёғинлари, дарёлар ва сув ҳавзаларининг ер усти сувлари, ирригацион сувлар ва атмосферада ҳамда тупроқнинг чуқур қатламларида сув буғининг конденсацияланиши натижасида ҳосил бўлади. Ер ости сувлари сатҳи сувнинг тиралиш чуқурлигига, озикланиш ва буғланиш ҳамда оқиб чиқишга сарфланиш

шароитларига боғлиқ бўлади. Ер ости сувларининг чуқурлиги турли амплитудали мавсумий тебранишларга дуч келган.

Минераллашувнинг энг катта қиймати Тўрткўл, Шуманай, Чимбой ва Мўйноқ туманларида кузатилади: 3,8-6,0 г/л. Баҳолаш натижаларига кўра, турли минтақалардаги ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолати мавжуд меъёрларга нисбатан кучсиз бузилганидан қаттиқ бузилгангача ўзгариб турган.

Ичимлик сувининг гидроэкологик ҳолати. Жанубий Орол бўйи минтақаси аҳолисини хавфсиз тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларини И.Усмонов, А.Мусаева, Г.Ходжаева, К.Атаназаров, И.Турдимамбетов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Уларнинг тадқиқотларига кўра, водопровод ва қудуқ сувларининг минерализациясини энг ёмон кўрсаткичлари Хўжайли, Мўйноқ, Қўнғирот ва Тахтақўпир худудларида кузатилмоқда, бу ерда уларнинг қиймати стандарт қийматлардан 3,5 баробар юқори эканлиги кўрсатилган.

Амалга оширилган тадқиқотларга қарамасдан, Қорақалпоғистон Республикасида ер усти сувларининг гидроэкологик ҳолати мониторингини давом эттириш ҳамда тегишли ташкилотларни сувларни ифлосланиш даражасини ўлчаш учун замонавий ускуналар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш зарур.

Баҳолаш натижаларига кўра, турли минтақалардаги ичимлик сувларининг гидроэкологик ҳолати мавжуд меъёрларга нисбатан озгина бузилганидан қаттиқ бузилгангача ўзгариб туради (1-боб).

Тўртта категориядаги сувларни (дарё, коллектор-зовур, ер ости, ичимлик) таҳлили асосида Кегейли, Чимбой, Қораўзақ, Тахтақўпир ва Мўйноқ туманларида гидроэкологик ҳолат жиддий бузилганлиги аниқланди ва у ерда биринчи навбатда гидроэкологик ҳолатни яхшилаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш керак.

Ер усти ва ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолатини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар. ЎЗР Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслардан бири бу Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини яратишдир. 2019-2022 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳа бутун Жанубий Орол денгизи минтақасида табиий экологик режимни тиклаш мақсадида, Амударё дельтаси ва Орол денгизининг қуриган тубини кўшни худудида сув ресурсларини самарали бошқариш ҳамда муҳандислик иншоотлари ва сунъий сув билан таъминланган ландшафтли экотизимларининг орқали минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга қаратилган.

Келгусида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган майдондан оқиб чиқадиган коллектор ва зовур сувларини камайтириш мақсадида гидроэкологик ҳолати кучли бузилган юқорида кўрсатилган маъмурий туманларда бир қатор техник агромелиоратив ва сув хўжалиги тадбирларини амалга ошириш зарур.

Кўрилаётган маъмурий худудларнинг сув ҳавзалари ва сув оқимларининг гидроэкологик ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар мутахассислар томонидан қайд этилган учта сув хўжалиги зонаси учун берилган: а) чап қирғоқ, б) марказий, в) ўнг қирғоқ.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, чап қирғоқ зонаси Раушан канал тизимига ККС ва ГК коллекторларига бўйсунди, ККС коллекторлари ва ГК бошқарувида. Унинг асосий сув ҳавзалари - ботқоқли Судочье кўллари - Акушпа, Тайли, Қоратерен, Катта Судочье ва Бегдулла-Ойдин ва Қоражар тизимидаги Машанкўл, Хўжакўл, Илменкўл кўллари киради. Ушбу сув омборларининг тўпланган гидрокимёвий маълумотларидан кўришиб турибдики, минерализация қиймати 3-5 г/л гача кўтарилган, кимёвий таркиби хлорид-сулфат-магнезиум-натрийли (ХС-МН).

Марказий зона Амударёнинг асосий ўзанига, Главмясо ва Маринкузьяк каналларига бўйсунди. Унинг асосий сув ҳавзалари - Междуреченское сув омбори, Рибачий ва Мўйноқ кўрфазлари, Мақпалкўл кўли. Ушбу сув омборларининг тўпланган гидрокимёвий маълумотларидан кўришиб турибдики, минерализация қиймати 5-7 г/л гача кўтарилган, кимёвий таркиби сулфат-хлорид-магний-натрийли (СХ-МН) дир.

Ўнг қирғоқ зонаси Қозоқдарё канали, КС-1, КС-3, КС-4 коллекторларига бўйсунди. Унинг асосий сув ҳавзаси - Жилтирбас кўрфазидир. Ушбу сув омборларида тўпланган гидрокимёвий маълумотларидан кўришиб турибдики, минерализация қиймати 3-5 г/л гача кўтарилган, кимёвий таркиби хлорид-сулфат-магнезиум-натрийли (ХС-МН) дир.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, тавсия сифатида шуни таъкидлаш керакки, ичимлик суви мақсадларида юқорида қайд этилган сув объектларидан фойдаланилганда, турли техник усуллар билан уларни тозалаш зарур. Балиқ хўжалигида ҳам ифлосланган оқова сувларнинг ховузларга келиб тушишини камайтириш зарур, айрим сув ҳавзаларида сув турғун ҳолатда бўлмаслиги ва буғланиш сабабли сувнинг минерализацияси ошмаслиги учун иложи борича оқар тартибни яратиш керак.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари қуйидаги хулосалар ва илмий-амалий таклиф ва тавсияларни келтиришга имкон беради:

1. Ушбу диссертацияда Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига мелиорациянинг таъсирини комплекс баҳолаш усули таклиф қилинган ва у қуйидагилардан иборат:

а) суғориладиган майдоннинг гидроэкологик ҳолатини баҳолаш усули ҳавзали ландшафт-галогеокимёвий усул билан биргаликда кўриб чиқилган;

б) усулнинг мажмуавийлиги, суғориладиган майдонда дарё, коллектор-

зовур ва ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолатини ва ичимлик суви сифатини биргаликда баҳолашдан иборат.

2. Комплекс усулни такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш асосида республиканинг барча маъмурий туманларидаги дарё (суғориш), коллектор-зовур ва ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолати, шунингдек уларнинг гидрологик ва гидрохимёвий хусусиятлари, хусусан, йилнинг сувлигининг магистрал коллекторлардаги сувнинг миқдорига ва минерализациясига таъсири ўрганилган.

3. Олиб борилган тадқиқот ишида республиканинг суғориладиган ҳудудидаги коллектор-зовур сувларининг шаклланишига алоҳида эътибор берилган. Қорақалпоғистон Республикасида коллектор сувининг ҳажми ва уларнинг сифати Амударё сувининг сув билан таъминланганлигига боғлиқ. 1992, 2005, 2010, 2017 каби сув кўп йилларда коллектор сувининг ҳажми 3,0 млрд. м³ гача етди, бу эса умуман республикада қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун ишлатиладиган умумий сувнинг 35-38% ини ташкил этади. Сув ҳажми кўп бўлган бу йилларда умумий сувнинг деярли 65 фоизи 3,0 г/л минерализацияга эга бўлган.

4. Ҳар йили 1,2 дан 3,0 млрд. м³ гача сув суғориладиган ерлардан йирик магистрал коллекторлар КС-1, КС-3, КС-4, ККС ва ГЮКК орқали йўналтирилади ва кўллар ва табиий сув йиғилган ариқларга ташланади. Бу ҳажмнинг тахминан 10-12% ини қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун қайта ишлатилади.

5. Суғориладиган ерларда ер ости сувларининг динамикаси бўйича гидрогеологик-мелиоратив ҳолат ҳақидаги мавжуд маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ер ости сувларининг кичик чуқурликлари март ва апрель ойларида жадал шўр ювиш ишлари даврида кузатилади. Ювиш ишлари тугаши билан ер ости сувлар сатҳи пасаяди. Ҳозирги вақтда хлорид-сулфатли иккиламчи шўрланиш тури кенг тарқалганлиги аниқланди. Суғориш тизимларидан узок вақт фойдаланиш ва хлорид, сульфат тузларини ювишда ер ости сувларининг минерализацияси пасаяди, улар тескари йўналишда метаморфозланади.

6. Қорақалпоғистон Республикасида турли йилларда (2000-2018 йй.), чучук сув танқислиги шароитида, магистрал коллекторлар бўйлаб, шунингдек, Орол денгизи тубида жойлашган ерларда тузга чидамли ем-хашак, сабзовот-полиэ экинлари, яйлов ва пичанзорларни суғоришда ҳамда ёввойи ем-хашак экинларини (қамиш ва бошқалар) лиманли суғоришда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш бўйича кўп йиллик тажриба-ишлаб чиқариш ишлари олиб борилди. Юқорида қайд этилган тажрибалар “Қорақалпоқ”, “Кенес”, “Қозоқдарё”, “Ойбек”, “Содик” хўжаликлари ҳудудида ўтказилиб, минерализацияси 3 г/л гача бўлган коллектор-зовур сувидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланиш мумкинлиги аниқланган. Минерализацияси 10 г/л га тенг бўлган коллектор-зовур

сувларидан кучли шўрланган ерларни ювишда фойдаланиланиш мумкин.

7. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида энг оғир гидроэкологик ҳолат Кўнғирот, Кегейли, Қораузьяк ва Чимбой, Тахтақўпир ва Муйноқ туманларида эканлиги аниқланди. Гидроэкологик ҳолатнинг ёмонлашуви сувлар минерализациянинг сезиларли даражада юқорилиги ва асосий ионлар ва баъзи элементларнинг кўплиги билан намоён бўлди.

8. Жанубий Оролбўйи ҳудудини учта зона (чап қирғоқ, марказий ва ўнг қирғоқ) бўйича ўрганишда олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, шуни таъкидлаш керакки, ичимлик суви мақсадларида юқорида қайд этилган сув объектларидан фойдаланилганда, турли техник усуллар билан уларни тозалаш зарур. Балиқ хўжалигида ҳам ифлосланган оқова сувларни ховузларга келиб тушишини камайтириш зарур, айрим сув ҳавзаларида сув турғун ҳолатда бўлмаслиги ва буғланиш сабабли сувнинг минерализацияси ошмаслиги учун, имконият даражасида, оқар тартибни яратиш керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХОЖАМУРАТОВА РОЗА ТАЖИМУРАТОВНА

**КОМПЛЕКСНАЯ ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ МЕЛИОРАЦИИ
НА ГИДРОЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ
РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН И ПУТИ ЕГО УМЕНЬШЕНИЯ**

11.00.03 – Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ГЕОГРАФИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2020

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.DSc/Gr17.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете
Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.meteo.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: **Чембарисов Эльмир Исмаилович**
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хикматов Фазилддин**
доктор географических наук, профессор
Мурадов Шухрат Одилович
доктор технических наук, профессор
Рафинов Вахоб Асомович
доктор географических наук

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится 24 ноября 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc 27/30.12.2019.Gr 47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. Бодомзор йули, 1-й проезд. 72. Тел.: (99871) 237-13-19, факс: (99871) 235-85-12, e-mail: nigmi@albatros.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке в Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрировано за № 207). (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. Бодомзор йули, 1-й проезд. 72. Тел.: (99871) 237-13-19, факс: (99871) 235-85-12, e-mail: nigmi@albatros.uz).

Автореферат диссертации разослан: « 11 » ноября 2020 г.
(реестр протокола рассылки № « 24 » от « 11 » ноября 2020 г.).



Handwritten signature of V.E. Chub

В.Е. Чуб
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.н.

Б.Э. Нишонов
Секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.т.н.

Handwritten signature of S.V. Myagkov

С.В. Мягков
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации За последнее столетие показатели потребления воды в мире увеличились в шесть раз и продолжают расти примерно на 1% в год. Тем не менее, согласно оценкам, изменение климата, наряду с растущей частотой и интенсивностью экстремальных явлений - штормов, наводнений и засух, усугубит ситуацию в странах, которые в настоящее время уже испытывают «дефицит воды», и создаст аналогичные проблемы в районах, которые еще не были серьезно затронуты. Генеральный директор ЮНЕСКО Одрэ Азуле подчеркивает, что «было бы неправильно рассматривать вопрос о воде только с точки зрения проблемы или недостаточности. Улучшение управления водными ресурсами может поддержать усилия по смягчению последствий изменения климата и адаптации к ним»¹.

В мире приоритетное внимание уделяется исследованиям влияния антропогенного воздействия на гидроэкологическое состояние водных ресурсов, в частности, на гидрологический и гидрохимический режим рек. В то же время, вопросы исследования гидроэкологического состояния водных ресурсов, находящихся под усиленным воздействием антропогенных факторов, комплексная оценка гидрологического и гидрохимического состояния, а также особенности его межгодовых колебаний, усовершенствование методов для выявления закономерностей формирования объёмов и минерализации речных, коллекторно-дренажных и подземных вод имеют особое значение.

В республике острый дефицит воды ощущают все орошаемые зоны дельтовой части Амударьи, особенно территории северных районов республики. Отсутствие воды в весенние и вегетационные периоды приводит к невыполнению плана посева сельскохозяйственных культур, а также к значительному снижению урожая или полной гибели растений. Учитывая эти обстоятельства, в своем выступлении Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН особо подчеркнул: «Хотелось бы вновь обратить Ваше внимание на одну из острейших экологических проблем современности - Аральскую катастрофу. Преодоление последствий высыхания моря требует сегодня активной консолидации международных усилий».² Для выполнения этих задач особую актуальность приобретает комплексная оценка влияния мелиорации на гидроэкологическое состояние водных ресурсов Республики Каракалпакстан и разработка научно обоснованных рекомендаций и предложений по его уменьшению.

¹ Доклад ООН о мировом развитии водных ресурсов 2020 - Вода и изменение климата. WWW.UNESCO.ORG

² Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. Газета «Народное слово», 20.09.2017 год, №179 (6901).

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП 3286 «О мерах по дальнейшем совершенствованию системы охранных водных объектов» от 25 сентября 2017 года, Указом Президента Республики Узбекистан от 18 января 2017 года «О Государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 гг.», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³.

Научные исследования, направленные на изучение вопросов разработки организационно-управленческих, технологических приёмов совершенствования эффективности использования имеющихся водных ресурсов, эффективного водопользования, улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель и повышения эффективности технологий промывки засоленных почв проводятся в ведущих научных центрах в высших образовательных учреждениях мира, в частности в Institute of Hydrology Wallingford Oxfordshire (Великобритания), Institute of Hydrology Oxson (Буюк Британия), Norwegian Institute for Water Research (Норвегия), China Institute of Water Resources and Hydropower Research (Китай), International Water Management institute - IWMI (Индия), Российском научно-исследовательском институте мелиорации и гидротехники (Россия), Государственном гидрологическом институте (Россия) и Институте водных проблем АН России.

В результате исследований, проведенных в мире по изучению рационального использования водных ресурсов и улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель получен ряд научно-практических результатов, в том числе: усовершенствованы уравнения водного баланса орошаемых земель (Государственный гидрологический институт, Россия), выявлены закономерности гидрологических процессов, протекающих на орошаемых территориях, а также структура потерь речных вод (Институт водных проблем АН России), разработаны статистические методы изучения временной и пространственной изменчивости гидрологических показателей орошаемых территорий (Institute of Hydrology

³ Обзор зарубежных научных исследований выполнен на основе сайтов <http://www.hydrology.ru/>, <https://www.iwp.ru/science/>, www.cawater-info.net и других источников.

Wallingford Oxfordshire, Великобритания), оценено загрязнение рек и других водоемов коммунально-бытовыми и промышленными сточными, а также возвратными водами, формирующимися на посевных площадях, используемых в сельском хозяйстве (Norwegian Institute for Water Research, Норвегия), достигнуты значимые результаты по управлению водными ресурсами и распределению к водопользователям (Российский научно-исследовательский институт мелиорации и гидротехники) и (Международным институтом управления водными ресурсами, IWMI).

В мире выполняются научно-исследовательские работы по приоритетными направлениями изучения гидроэкологического состояния водных ресурсов, оценке влияния на него мелиоративных мер и уменьшению этого влияния, в том числе: разработка научно-методической основы оценки антропогенного влияния на гидрологический режим природных водных бассейнов - рек и озер, усовершенствование методов оценки процессов трансформации стока рек в орошаемых посевных площадях, разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций, направленных на оптимизацию режима водно-солевого баланса орошаемых земель, создание моделей процессов расхода воды для орошения на основе выявления его структуры, количественная и качественная оценка возвратных вод, формирующихся на орошаемых посевных площадях, выявление критериев их вторичного использования.

Степень изученности проблемы. Теоретические и практические вопросы исследования, направленные на изучение биогеохимии, геохимической экологии, а также гидроэкологии освещены в работах В.И.Вернадского, А.П.Виноградова, В.В.Ковальского, М.А.Риша, Р.А.Нижеховского и других.

Гидрологический и гидрохимический режим р.Амударьи магистральных коллекторов за прошедшие годы в той или иной мере изучались В.Л.Шульцем, Ю.Н. Ивановым, В.Е. Чубом, Ф.Э.Рубиновой, Б.К.Царевым, С.В.Мягковым, Э.И.Чембарисовым, М.А.Якубовым, Ф.Хикматовым, Е.К.Курбанбаевым, А.А.Рафиковым, В.А.Рафиковым, Ш.О.Мурадовым, Б.Е.Аденбаевым и др.⁴ В них основное внимание уделялось оценке режимов водотоков в естественных условиях и их изменению по длине реки

⁴ Шульц В.Л., Реки Средней Азии. Л.: Гидрометеиздат. - :651сРубинова Ф.Э., Иванов Ю.Н. Качество воды рек бассейна Аральского моря и его изменение под влиянием хозяйственной деятельности. – Ташкент: НИГМИ Узгидромет, 2005. -185 с.;Рамазанов А.Р., Курбанбаев Е., Якубов Х.И. Некоторые вопросы мелиорации засоленных земель в низовьях Амударьи. // Нукус: Каракалпакстан, 1979, -221 с.; Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Узбекистан. // Узгидромет, НИГМИ, «VORIS-NASHRIYOT» Ташкент, 2007, 132 с.; Мягков С.В., Мягкова Н.В. Прогноз стока коллекторно-дренажных вод в бассейне Амударьи. – В кн.: «Пресная вода». – Ташкент: САНИГМИ, 1995. – С.27-29.; Хикматов Ф.Х. и др. Оценка водообеспеченности низовьев Амударьи// матер. межд. науч. конференции, «Инновация-2008», Ташкент: ТГПУ, 2008. – С.380-381.; Рафиков В.А. Особенности и пределы деструкции деградации и воссоздания геосистем: автореферат диссер. доктора географических наук (DSc). – Ташкент.: НУУ, 2017. – 61с.

Амударьи.

Подземные водные ресурсы Узбекистана, в том числе и Республики Каракалпакстан изучались В.А.Ковдой, Д.М.Кацем, А.Р.Рамазановым, Ф.М.Рахимбаевым, С.Ш.Мирзаевым, Н.Н.Ходжибаевым, В.А.Борисовым, Х.И.Якубовым, Н.М.Решеткиной и другими. Основное внимание эти авторы уделяли исследованию формированию подземных вод в естественных условиях, а также их влиянию на засоление и мелиоративное состояние орошаемых почв.

Проведены исследования учеными по проблемам рационального использования земельно-водных ресурсов, улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель и промывки засоленных почв, в частности, работы Stenley Knadson, P.Debaeke, H.Zhang, P.Sam Geerts внесли существенный вклад на разработку методики управления водными ресурсами в условиях дефицита воды.

В сложившейся в настоящее время водохозяйственная и гидроэкологическая обстановка, где устойчиво нарастают последствия дефицита водных ресурсов и ухудшение их качества, вопросы, касающиеся совершенствования сельскохозяйственного водоснабжения, разработка научно обоснованных организационно-структурных форм управления, ресурсосберегающих технологических приемов использования располагаемых водных ресурсов с оценкой гидроэкологического состояния водных ресурсов Республики Каракалпакстан не достаточно изучены. Данная работа посвящена решению этих проблем, что отличает её от предшествующих исследований.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладных проектов научно-исследовательского плана Каракалпакского государственного университета: ППИ-7, №PZ-2014 - «Разработка технологии возделывания семян кормовых культур в экстремальных условиях Южного Приаралья» (2015-2017 гг.) и КХА-7-014-2017 - «Исследование возможности повторного использования возвратного стока (коллекторных вод) для орошения солеустойчивых культур и обводнения пастбищно-сенокосных угодий, а также промывки сильнозасоленных земель» (2017-2018 гг.).

Целью исследования является комплексная оценка влияния мелиорации на гидроэкологическое состояние водных ресурсов Республики Каракалпакстан и разработка научно обоснованных рекомендаций и предложений по его уменьшению.

Задачи исследования:

усовершенствование метода комплексной оценки влияния мелиорации на гидроэкологическое состояние водных ресурсов;

оценка изменений гидрологического состояния поверхностных водных

ресурсов Республики Каракалпакстан за многолетний период;

определение гидрогеологического состояния подземных водных ресурсов Республики Каракалпакстан и их изменение за многолетний период;

определение возможности повторного использования коллекторных вод для орошения солеустойчивых культур и обводнения пастбищно-сенокосных угодий, а также промывки сильнозасоленных земель;

комплексная оценка гидроэкологического состояния водных ресурсов, составление предложений и рекомендаций по его улучшению.

Объектом исследования являются речные (оросительные), коллекторно-дренажные, подземные, и питьевые воды Республики Каракалпакстан.

Предметом исследования является выявление влияния мелиорации на гидроэкологическое состояние водных ресурсов административных районов Республики Каракалпакстан, а также пути его уменьшения, оцененного комплексным методом.

Методы исследования. В диссертации применены различные методы гидрологии и гидрохимии, включая методы математической статистики, корреляционного анализа, водно-солевого баланса, а также методы полевых экспериментов, усовершенствованный комплексный метод оценки гидроэкологического состояния орошаемых территории.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

